ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

O'ZBEKISTON OQSOQOLLAR KENGASHI "MAHALLA"

# MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 8 (286) 2002 йил 20 февраль, чоршанба. Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

## ҚАРОРИ

## Қурбон ҳайитни нишонлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам - Қурбон ҳайитни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида» 1991 йил 20 юндаги 221-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2002 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 22 февралга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини эътиборга олиб, 2002 йил 22 февраль куни дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайити байрамини жойларда муносиб тарзда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 15 февраль.

*Арафа*

## ФАЙЗУ БАРОКОТЛИ КУНЛАР

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!

Ассалому алайкум азиз мўмин-мусулмон биродарлар! Аллоҳ таологa ҳамду санолар бўлсинким, Қурбон ҳайити кунларига соғ-саломатликда, тинчликда етиб келаётганимиздан бағоят мамнунмиз.

Барчаларингизга яқинлашаётган Қурбон ҳайити байрами муборак бўлсин. Аллоҳ таоло юртимизга тинчлик, фаровонлик, осойишталик ато айласин.

Шундай улуғ кунларда қиладиган дуо-ю илтижоларимизни Аллоҳ таоло ўз даргоҳида қабул айлаб, кўпдан-кўп ажру савоблар берсин.

Ҳайит байрамининг файзу баракоти қалбларимизни ва хонадонларимизни мунаввар айласин.

Қурбон ҳайитини нишонлаш Иброҳим алайҳиссалом замонларга бориб тақалади. Шу куни қурби етган мусулмонлар қурбонлик қилиб, уни ҳожатманд кишиларга улашадилар ва бу ишлари билан Аллоҳга итоат, чуқур эътиқод намунасини кўрсатадилар. Камбағал, ҳожатманд кишиларга ёрдам бериш Аллоҳнинг буйруқларидан биридир.

2-бетда

## СОҒЛОМ АВЛОД, ОИЛА

***Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси томонидан республика Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини амалга оширишга бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди.***

Маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раислари, фаоллар, вазирликлар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган мазкур семинар-кенгашда Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорини амалга ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, хусусан, репродуктив соғлиқ ва соғлом оилани шакллантириш масалаларида эркакларнинг ўрни ва масъулиятини ошириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

- Соғлом онадан туғилган фарзанд ҳам соғлом бўлади, - деди «Маҳалла» жамғармаси раисининг ўринбосари Г.Йўлчиева. - Зеро, фарзандлари соғлом юртнинг келажаги порлоқдир, деб бежиз айтилмаган. Шунинг учун биз ҳозирги кунда бутун диққат-эътиборимизни аёллар ва болалар саломатлигини асрашга ва янада яхшилашга қаратганмиз. Ўтган йили «Маҳалла» жамғармаси қошидаги хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш кенгаши бу борада қатор чора-тадбирларни амалга оширди. 2002 йилда ҳам бу борада қилинадиган ишларимизни ҳукуматимизнинг юқоридаги қароридан келиб чиқиб белгилаб олдик.

**«Туркистон-пресс»**

## ОҚСОҚОЛЛАР МАЛАКА ОШИРДИЛАР

Самарқанд вилояти Ресурс Марказида Самарқанд Давлат Университети билан ҳамкорликда АҚШнинг ACTR/ACCTLS ташкилотининг «Маҳаллий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш дастури гранти» бўйича ташкил этилган курсда икки ой давомида шаҳар маҳаллалари оқсоқоллари малака оширдилар.

Маҳалла оқсоқоллар курси тингловчилари тажриба алмашиш учун, Сиёб тумани Эски Қаландархона ва Каттақўрғон маҳаллалари оқсоқолларининг иш юритиш тажрибалари билан танишдилар. Эски Қаландархона маҳалласида СамДУ доценти С.Хуррамова раҳбарлигидаги «Саодат» - фуқароликни тарбиялаш маркази нодавлат-нотижорат ташкилоти фаолияти билан танишдилар.

Маърузa ва амалий машғулотлар юқори савияда ўтказилди.

**Халил ШОДИЕВ,**
**Пардақул ТУРАҚУЛОВ.**

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 феврал куни Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари Штаб бошлиқлари бирлашган қўмитаси раиси Ричард Майерсни қабул қилди.**

**Сўнгги вақтларда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги алоқалар ҳар томонлама мустаҳкамланиб бораётир. Мамлакатимизга АҚШдан кўплаб делегациялар келиб-кетаётгани бунинг бир тасдиғидир.**

**- Ташрифингиз АҚШда Ўзбекистон билан ҳамкорликка қизиқиш кучайиб бораётганининг яна бир далолати деб биламиз, - деди давлатимиз раҳбари. - Ўйлайманки, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бундан-да ривож топиб бораверади.**

**Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар изчил кенгайиб бормоқда. Ҳозирга қадар икки мамлакат ўртасида турли соҳаларни қамраб олган қатор қўшма ҳужжатлар қабул қилинган. Ҳамкорлигимиз ривожи сиёсий, савдо-иқтисодий, шунингдек, ҳарбий соҳада ҳам яққол кўзга ташланади. Хусусан, ҳарбий таълим ва кадрлар тайёрлаш бўйича яхши ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистонлик ҳарбийлар АҚШнинг ҳарбий ўқув юртларида малака ошириб қайтмоқда. Икки мамлакат мудофаа вазирликлари ўртасидаги алоқалар самарали кечмоқда.**

**Оқсаройдаги мулоқот чоғида икки томонлама алоқалар ривожи, хусусан, ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик истиқболлари билан боғлиқ, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.**



Шу куни Президент Ислом Каримов Литва Республикаси Бош вазири Алгирдас Бразаускасни ҳам қабул қилди. Давлатимиз раҳбари бу меҳмон билан узоқ йиллик қадрдон дўстдир. Ислом Каримов 1995 йили Литвага бориб, ўша кезлари президент лавозимини эгаллаб турган А.Бразаускас билан кенг қамровли музокаралар ўтказган ва ўзаро муносабатларни ривожлантиришга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган қатор ҳужжатларга имзо чеккан эди. 1997 йили А.Бразаускас жавоб ташрифи билан Ўзбекистонда меҳмон бўлди.

- Биз сизни ажойиб инсон сифатида ҳурмат қиламиз, - деди Ислом Каримов учрашувда. - Сиздек қатъиятли, вазмин, ўзига ишонган доно раҳбар билан учрашиб турганимдан ғоят мамнунман.

Ўзбекистон-Литва муносабатларининг йигирмадан зиёд ҳукуматлараро ҳужжатдан иборат мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бор. Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳаларда ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Хусусан, мамлакатимизда ўттизга яқин Ўзбекистон-Литва қўшма корхонаси ишлаяпти. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. А.Бразаускаснинг ушбу ташрифи асносида ҳам бир неча икки томонлама ҳужжатларга имзо чекилди. Томонлар саноат, ички ишлар, фан-техника борасида ва маданий-маърифий соҳалар бўйича ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Тошкентда литваликларнинг миллий-маданий маркази ишлаб турибди. Айни пайтда эса Вилнюс ва Виссагинос шаҳарларида Ўзбек маданияти маркази фаолият юритмоқда. Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА)**

*Замонага мос тадбир*

## МАҲАЛЛАМИЗДА АДВОКАТ ЎТИРАДИ

### Тошкент шаҳри маҳаллаларида ҳуқуқшунос хизмати жорий этилди

***Бундан ўн беш йиллар олдин ўзининг бурч ва ҳуқуқлари борасида талашиб-тортишадиган, қаерга, нима мақсадда мурожаат қилишни яхши биладиган одамга «фалончи жуда закунчида» дея таъриф берардик. Одатда бундай таъриф кишига берилган салбий баҳо маъносида ҳам тушуниларди.***

Фуқароларнинг нафақат ҳуқуқини паймол қилиш, балки уларни ҳуқуқий томондан гумроҳликда тутиш шўролар тузумига хос бўлган ҳолатлардан бири бўлганини бугун яхши англаб турибмиз. Давр ҳар биримиздан, ёшимизу касбимиздан қатъий назар, ҳуқуқий билимдон бўлишни талаб этмоқда. Содда қилиб айтганда, бугун «закунчи» бўлмаган, яъни ҳақ-ҳуқуқини билмаган одам эса замондан орқада қолган ҳисобланади. Эндиликда ҳуқуқий билимдон кишини маҳалладошлари ҳурмат билан таърифлайдилар, маслаҳатига интиқ бўлиб юрардилар. Гарчанд биз фуқаролик жамияти ривожи учун астойдил интилаётган эканмиз, кишиларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошира бориш ҳаёт талабидир. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг 2001 йил 29 декабрда қабул қилган қарорини ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»ни ҳаётга тадбиқ этишдаги муҳим қадам сифатида баҳолаш мумкин. Қарорга кўра, шаҳардаги барча маҳаллаларга фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатиш учун биттадан адвокат бириктирилиши, бу тадбирни амалга ошириш масъулияти Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Адвокатлар ҳайъати раёсати ва Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлимига топширилган эди. 13 феврал куни «Темирйўлчилар» маданият саройида Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар Адвокатлар ҳайъати раёсати ва шаҳардаги барча маҳаллаларнинг оқсоқоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда юқорида қайд этилган қарор ва дастурларнинг ижроси юзасидан тегишли чора-тадбирлар аниқ белгиланди. Йиғилишда маҳалланинг ўзида адвокат хизматини ташкил этиш учун режалаштирган тадбирлар оқсоқолларга баён қилинди. Оқсоқолларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам тингланди.

Бу йўлга қўйилаётган тадбир моҳиятини шаҳар Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси Аъзамжон Гадойбоев шундай изоҳлайди:

- Ҳар бир маҳаллага биттадан адвокат бириктирилиб, у бир ойда икки марта икки соатдан қабул ўтказади. Ундан ўша маҳаллада рўйхатда турадиган ҳар бир фуқаро бепул ҳуқуқий маслаҳат олиши мумкин. Шунингдек, можароли вазиятларда керакли ҳужжатларни тўлдириш ва тегишли жойга етказиш юзасидан ҳам маслаҳатлар бепул берилади. Бордию, адвокат суд жараёнида фуқаронинг манфаатини ҳимоя қиладиган бўлса, у ҳолда адвокатнинг хизматига белгиланган тартибда ҳақ тўланади. Бу йил Қарияларни қадрлаш йили бўлгани учун қарияларга ҳамда кам таъминланган ёки боқувчисини йўқотган кексаларга ҳар қандай ҳолатда ҳам имтиёзли хизмат кўрсатилиши кўзда тутилмоқда. Адвокатларнинг маҳаллаларда хизмат кўрсатиш тартибини шаҳар Адвокатлар ҳайъати раёсати назорат қилади. Оқсоқоллардан эса ўз навбатида адвокатларга фаолият учун керакли шарт-шароитларни яратиб беришлари талаб этилади. Ҳуқуқий маслаҳат беришдан ташқари, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимини юксалтиришга қаратилган суҳбатлар, учрашувлар ташкил этиш масъулияти ҳам адвокатлар ва оқсоқоллар зиммасида бўлади.

Бир қанча муддат олдин Тошкент шаҳар ҳокимияти ташаббуси билан пойтахтдаги барча маҳаллаларда ҳисобчи учун маошли ўринлар белгиланиб, ҳар бир маҳалла ўз ҳисобчисига эга бўлган эди. Ушбу тадбир ҳам ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият доирасини кенгайтириш, кучайтиришга қаратилгандир. Мана, энди биронта ҳамшаҳаримиз можароли вазиятда «Қаерга, қандай ҳужжат топширсам экан?» дея овораи сарсон бўлиб юрмайди.

**М.ҚОСИМОВА,**
**«Mahalla» мухбири.**


ШУ СОННИНГ

2-САҲИФАДА
- Маҳаллага маблағ керак, маблағ топиш учун эса имконият.
- Муддаомиз ҳам, мақсадимиз ҳам - ижтимоий муҳофаза.
- Обуна ҳам оқибатнинг бир кўриниши.

3-САҲИФАДА
- «Искандар ва Зулфизар»нинг фожиеали қиссаси...
- Мусиқали драманинг салбий таассуроти...
- Ҳуқуқшуносда ҳар қандай саволга жавоб бор.

4-САҲИФАДА
- Рассомнинг сурат ва сийрат ҳақидаги мулоҳазалари.
- Уяли телефон тўғрисида... ҳангома



MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар:
Масъул котиб: 136-53-75
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

*Бизнинг шарҳ: фармон, қарор — ижро*

# ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ ФИДОЙИЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

***Бозор муносабатлари шаклланаётган даврда “Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш” деган тушунча иқтисодий атама сифатида юзага чиқиб, у айни пайтда ҳал этилиши лозим бўлган муаммо ҳамдир. Ҳолбуки, мамлакатдаги ҳар бир иқтисодий муаммонинг ечимини топиш давлат ва жамият эътиборига молик.***

**Яқинда республикамиз Президентининг “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди. Ушбу Фармон ва қарорлар мазмунига давлатимизнинг “Ислоҳот инсон учун” деган устувор сиёсати тамойиллари сингдирилган, шунингдек эҳтиёжманд кишиларимизни ижтимоий ҳимоялашнинг изчил йўл-йўриқлари кўрсатиб берилган. Шу ўринда мутасадди идора ва ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек маҳалла етакчиларининг вазифалари алоҳида таъкидланади. Бу вазифалар нималардан иборат? Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ижтимоий ёрдамни қўллаб-қувватлашни ташкиллаштириш бошқармасининг бошлиғи Алишер ИНОҚОВ билан суҳбатимиз ана шу ҳақда.**

— Асосий ташкилий вазифа ижтимоий ҳимояга бевосита муҳтож аҳоли қатламларини аниқлаш ва ана шу эҳтиёжманд аҳоли тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлишни таъминлашдан иборат бўлади. Бу ўринда шубҳасиз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари - қишлоқ, посёлка, шаҳарча, маҳалла фуқаролари йиғинлари катта рол ўйнайди. Зотан бугун ҳаётнинг ўзи очиқ-ойдин кўрсатиб қўйганидек, одамларимиз аҳволини улардан яхши биладиган идора йўқ. Буни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ҳам халқимизга хос бўлган хусусият сифати кўп марта эътироф этдилар ва мазкур ҳужжатлар ижросида ҳам “Маҳалла” жамғармаси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларига катта масъулият юкланишига бош сабаб ҳам шудир. Ҳозирги кунда Президентимиз Фармони ҳамда ҳукумат қарорлари мазмунан аҳолининг эҳтиёжманд қисмига енгилликлар бериш ва уларнинг даромадларини ошириб боришга қаратилган. Эҳтиёж нима? У аҳолининг у ёки бу томондан, етишмовчилигини ўзида ҳис этишидир. Биз аҳолининг худди шундай қисмига кўпроқ эътибор қаратишимиз зарур. Бу ўринда маънавий рағбатни ҳам унутмаслигимиз керак. “Жаннатнинг калити фақиру бечораларнинг кўнглини кўтаришдадир!” дейилади Ҳадиси шарифда. “Қарияларни қадрлаш йили” Давлат Дастури шу жиҳатдан зарурий қўлланма бўлди. Дастурда кексаларимизга ҳар томонлама қулайликлар яратиш, уларнинг турмуши, иқтисодий шарт-шароитлари ҳамда соғлиғини яхшилаш масалалари кўзда тутилган. Хусусан, пенсияларни инфляцияга нисбатан илгарилаб борадиган миқдорда ошириш, кексаларнинг умрини янада узайтириш мақсадида геронтология марказлари ишини ривожлантириш, уларни арзон дори-дармонлар билан таъминлаш орқали ўзига хос тиббий хизмат мажмуини кенгайтириш ҳамда бунинг учун курорт-санаторийлар ёрдамидан фойдаланиш алоҳида таъкидланган. Шу йилнинг ўзида кексаларга санаторий-курорт хизматини яхшилаш учун давлат бюджетидан 2,5 миллиард сўмдан ошиқ маблағ ажратилган. Бундай ғамхўрликни ҳар қандай ривожланган мамлакатда ҳам кўравермайсиз. Пенсионер ва ногирон кишиларнинг маиший хизмат турларидан фойдаланишларида камайтирилган нархларни белгилаш ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ёлғиз қарияларга нисбатан қўллаган тажрибасини оммалаштириш кўзда тутилган. Бундан ташқари, ҳаётлигида ижтимоий муҳофазанланган шахслар учун энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида фуқаролик хизмати кўрсатиш маблағи белгиланади.

Маҳаллаларда кекса кишилар билан иш олиб борувчи жамоатчилик кенгашлари ташкил этилади ва ёрдамга муҳтож ёлғиз, кекса фуқаролар ҳамда ногиронларнинг уйлари, маиший хоналарини таъмирлаб бериш ишлари амалга оширилади. Қарияларнинг республикамиздаги тарихий шаҳарлар ва зиёратгоҳларга боришлари учун уларга бепул хизмат кўрсатилади. Шунингдек, кекса фуқароларни маънавий қўллаб-қувватлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор берилади. Республика телевидениеси, радиоси ҳамда матбуот саҳифаларида маҳаллаларда яшаётган ва кўпчиликка ибрат бўлаётган қариялар ҳаёти ёритилади ҳамда шундай қариялар иштирокида турли тадбирлар ва кечалар уюштирилади. Буларнинг барчасида ўзини ўзи бошқариш органларининг беқиёс ўрни бор.

Эслатиб ўтилганидек, Фармонда иш стажининг тўлиқ пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган миқдоридан ортиқ қисмини ҳисоблаб чиқишга оид амалдаги формаси, яъни, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг 27-модда, 3-бандида кўрсатилган чеклашлар шу йилнинг 1 январидан бошлаб бекор қилинди. Демак, 50 йиллик меҳнат стажига эга бўлган пенсиядаги киши бу йилдан бошлаб пенсияга тайинлаш учун қабул қилинган иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлди. Бу эса қарияларимиз ҳаёти фаровонлигига муносиб улуш бўлиб қўшилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами сифатида биринчи навбатда ёш болали оилалар ҳисобга олинган. Бунинг жуда кўп сабаблари бор. Биринчидан, бола оиладаги иқтисодий шарт-шароит билан ҳисоблашмайди. Иккинчидан, боланинг ўсувчанлик хусусияти барча турдаги истеъмол буюмлари (айниқса оёқ кийимлар, уст-бош либослар)-ни тез-тез янгилаб туришни талаб этади. Шунга ўхшаш кўплаб сабабларни эътиборга олган ҳолда Фармонда ёш болали оналарга фарзанди икки ёшга етгунча тўланадиган ойлик маблағ миқдори ушбу йилда энг кам иш ҳақининг 170 фоизи, кейинги йилда эса 200 фоизи миқдорида (яъни амалдаги энг кам иш ҳақи бўйича ҳисобланганда бу миқдор ойига 5831 сўм, кейинги йил бошидан эса 6860 сўм) қилиб белгиланди. Ҳозирги кунда бу хил тартибда маблағ олувчилар сони миллиондан ошиқ экани аниқланди. Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, буни белгилашда адолат тамойилларига қатъий амал қилинади. Яъни, бу фақат муҳтож бўлган оилаларга қўлланилади. Аниқроқ қилиб айтганда, жон бошига оладиган даромади ўртача оиладагидан кўра бир неча баровар ортиқроқ келадиган хонадонлар ҳам бор. Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари бундай хонадонларга бундай маблағни бермасликка ҳақлидир. Шу йўл билан иқтисод қилинган маблағ эвазига ижтимоий ёрдамга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга бериладиган молиявий кўмак ҳажми оширилади. Шу ўринда адолат тамойилларига қатъий амал қилишнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан назорати кучайтирилиши ҳаёт талабидир.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни такомиллаштира бориш жараёнида иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлар ҳисобга олинади. Шунга кўра оиладаги болаларга маблағ тўлашда амалдаги тартибларга бироз ўзгартириш киритилди. Яъни, эндиликда фақат муҳтож оилаларнинг болаларига то ўн саккиз ёшга етгунича (мустақил даромад қилиш қобилиятига эга бўлгунича) бундай пул тўлаб борилади. Шунингдек кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари (5-9 синфларда ўқийдиганлари ҳам) бепул қишки кийимлар билан таъминланиши кўзда тутилган. Мактаб педагогика жамоаси ота-оналар қўмитаси ва маҳалла фаоллари иштирокида бундай оилаларни аниқлаб чиқадилар. Шунингдек кам таъминланган оилаларнинг барча фарзандлари мактаб дарсликларини бепул олиш ҳуқуқига эга бўлишади. Фармонда етим болаларни тарбиялаётган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Шу йилдан бошлаб бундай оилаларга энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдорида ойлик пул тўлаб борилади. Маҳаллаларимизда бундай бағрикенглик билан бола тарбиялаётганлар анчагина.

Булардан кўринадики, Фармон ҳамда ҳукуматимиз қарорларини ҳаётга изчиллик билан тадбиқ этишда маҳаллалар фаолиятини янада кучайтириш зарур. “Миллий руҳиятининг ва аҳоли турмуш тарзининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий жиҳатдан энг ночор оилаларни маҳалла қўмиталари орқали аниқлаш ва уларга муайян моддий ёрдам кўрсатишдан иборат ижтимоий мадад шакли жорий этилди... “дея Президентимиз бу ижтимоий тадбирнинг аҳамияти хусусида алоҳида таъкидлаганди. Иқтисодий ислоҳотлар аслида мутасадди идора ва ташкилотлар ҳамда маҳаллалар фаолларининг фидойилигини талаб этади. Зеро, кексаларимиз орасида “Тушуниш ва англаш - муросанинг бошланишидир” деган ҳикмат бор. Шундай экан, ҳар ишни амалга оширишда муросали ва мулоҳазали бўлайлик. “Демократик институт дарсхонаси” сифатида тилга олинаётган янги давр маҳаллалари фаолиятини ва ҳамжиҳатлигини янада кучайтирсак, ҳар қандай иқтисодий муаммолар ечимини топиш осон кечади.

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ ПАНОРАМАСИ

**Гаагада Югославиянинг собиқ президенти С.Милошевич иши юзасидан халқаро суд жараёни давом этмоқда. Уч кун мобайнида ўзини ҳимоя қилувчи нутқини сўзлаган Милошевич унга қўйилган барча айбларни рад этди. У ўз нутқида Ғарб давлатларининг мусулмон ва славян халқлари орасига нифоқ солиб Югославияни бўлиб юборишни мақсад қилиб қўйганликларини таъкидлади. Маҳкама жараёнида 350 га яқин гувоҳларнинг дастлабкиси М.Балави унга қарши кўрсатма берди.**

***

Яқин Шарқда давом этаётган уруш мана ўн саккиз ойдирки тўхтамаяпти. Жаҳон жамоатчилигининг саъй-ҳаракатлари натижа бермаяпти. Исроил ҳукуматининг олиб бораётган тажаввузкорлик ҳаракатидан шу мамлакатнинг ичида ҳам норозиликлар бошланди. Заҳирадаги зобитлар бошлаган компаниянинг сафи тобора кенгаймоқда. Дастлаб бу ҳаракат элликка яқин кишини бирлаштирган бўлса, ҳозир уларнинг сони 250 дан ошган. Улар Исроил қўшинларини ғарбий соҳилнинг бир қисми ва Ғазо секторидан олиб чиқишни талаб қилмоқдалар.

***

**Эрон ташқи ишлар вазири Камол Ҳаррозий АҚШ томонининг Эронга нисбатан қилаётган даъволари асоссиз эканлигини, мамлакатининг «Ал-қоида» билан ҳеч қандай алоқаси йўқлигини, чегарада ушланган 150 киши орасида ҳам бу ташкилот одамлари бўлмаганлигини бўлиб ўтган матбуот конференциясида таъкидлаган.**

***

Грузия президенти Э.Шеварнадзе Панкис дарасида ўғирлаб кетилган тўрт нафар полиция ходимини ҳеч қандай шартларсиз қайтариш лозимлигини, акс ҳолда ўша ерга жўнаб кетган республика ички ишлар вазири истаган чорасини кўришини, бунинг оқибати яхши бўлмаслигини айтган. Ушбу можаро бу ердаги чечен миллатига мансуб наркобарон Ю.Бадагашвили ҳибсга олинганидан кейин бошланган бўлиб, у қўйиб юборилгач, полиция ходимлари озод этилиши мумкин.

***

**Афғонистоннинг Муваққат маъмурияти бошлиғи Ҳамид Карзай мамлакат осойишталигини таъминлаш мақсадида халқаро тинчликсевар кучлари сонини кўпайтиришга ҳаракат қилишини айтган.**

***

Тожикистон чегараларини қўриқлаётган рус аскарлари афғон томонига ўтишга ҳаракат қилган ўн икки нафар тожикистонлик фуқароларни ушлашган.

***

**Чеченистон ҳукуматининг бошлиғи С.Илёсов Панкис дарасидаги қочқинлар хоҳишларига кўра ўз ватанларига қайтишлари мумкинлигини, улар учун икки минг кишилик яшаш жойи ҳозирлаб қўйилганлигини айтган.**



*Арафа*

# ФАЙЗУ БАРОКОТЛИ КУНЛАР

**(Давоми. Боши 1- бетда.)**

Маълумки, Қурбон ҳайити кунида барча мусулмонлар бир-бирларини муборакбод этиб, табаррук отахон-онахонларга узоқ умр, имон, ёшларга тавфиқу рушди ҳидоят тилашади. Қариндош-уруғларни, ёру биродарларни зиёрат қиладилар, ўз яқинлари ва беморларнинг ҳолидан хабар оладилар. Бу кунда шундай хайрли ишларни қилиш ҳар бир эзгу ниятли кишиларнинг қалб эҳтиёжига айланади. Бирор сабабга кўра аразлашган, гина-кудуратли таниш-билишлар ҳам ҳайит кунларида бир-бирларига қучоқ очадилар, ўзаро узр сўрашадилар. Чунки кечиримли ва меҳр-оқибатли бўлиш ҳар бир мусулмон учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Қурбон ҳайити байрам бўлгани учун бу кунларни ўзига хос, муносиб ҳолда яхши ўтказиш лозим.

Ўтганларни ёдлаш ва руҳларига дуои хайр қилиш жоиз, лекин бу ҳайит байрамига таъсир кўрсатмаслиги даркор. Мўмин мусулмонлар фақатгина шу Қурбон ҳайити кунларида эмас, балки йил давомида бир-бирларига бўладиган муомалаю муносабатларни яхши қилмоқликлари лозим. Шунингдек, Аллоҳ таолонинг уларга берган неъматларидан хайр эҳсон этишлари керак. Саховатпеша кишиларимиз муҳтож одамларга, мискину фақирларга ёрдам қўлларини чўзмоқликлари даркордир.

Бу ҳақда Қуръони каримда:

«Аллоҳ йўлида молларини инфоқ эҳсон қиладиган кишилар мисоли худди ҳар бир бошоғидан юзтадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқарган бир дона донга ўхшайди. (Қилинган бир яхшилик етти юз баробар бўлиб қайтишига ишора қилинмоқда).

Аллоҳ истаган кишиларга бир неча баробар зиёда қилиб беради. Аллоҳ (фазли карами) кенг билгувчидир». (Бақара - 261), дейилган.

Имом Ғаззолий (р.а.) айтдиларки: «Дунё (юрт) ободлиги тўртта нарса сабабидан - раҳбарлар адолати, олимлар илми, бойлар саховати ва муҳтожлар дуоси».

Ислом дини кишиларни бир-бирига меҳру оқибатли бўлишга чақириш билан бирга, уларни динидан, миллатидан қатъий назар ўзаро иззат-ҳурмат кўрсатишга ундайди.

Парвардигор инсонларнинг мўътадил ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун лозим бўлган моддий бойликларини яратадики, унинг бу неъматларининг ҳеч қачон ҳисобига етолмаймиз. Қуръони каримда: «Аллоҳ берган неъматларини санаб саноғига етолмайсизлар», («Иброҳим» 34) деса ёки бошқа оятида эса: «Берган неъматларимга шукр қилсангиз, албатта уларни янада зиёда қилурман, агар куфрона неъмат қилсаларингиз, албатта азобим жуда қаттиқдир» («Иброҳим» 7).

Унинг бу улуғ марҳаматига шукрона этсак, шунда берган неъматлари янада зиёда бўлади.

Мамлакатимизда мусулмонларнинг диний маросимларини камоли ҳуррият билан адо этишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Жумладан, муборак ҳаж сафарига борувчи фуқароларимиз ушбу йилда ҳам катта қулайликлар яратилди.

Рамазон ҳайити ва Қурбон ҳайитларининг биринчи кунлари дам олиш кунлари этиб белгиланган ҳамда мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлаш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарор ҳам чиққан.

2000 йил «Соғлом авлод йили» ва 2001 йилни «Оналар ва болалар йили», 2002 йилнинг эса «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши мамлакатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг изчил эканлигини кўрсатиб турибди. Халқимиз «Қариси бор уйнинг париси бор» дейди. Ҳақиқатдан ҳам, қаерда кексалар бўлса, шу жойда файз бор, барака бор. Қарияларнинг дуосини олиб яшайдиган инсонлар ҳеч қачон кам бўлмайди.

Қурбон ҳайити муносабати билан барча фуқароларимизни Ўзбекистон Мусулмонлари идораси номидан яна бир бор чин дилдан муборакбод этиб, Ватанимизнинг истиқболи порлоқ, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги бардавом, халқимиз фаровонлиги янада зиёда бўлишини Яратгандан сўраб қоламиз. Ҳайитингиз қутлуғ бўлсин азизлар!

**Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари.**



*Маҳалла ва мактаб*

***Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек тумани Турон маҳалласида ташкил этилган «Халқ университети» ўз фаолияти давомида маҳалла аҳли ўртасида кўплаб тадбирлар ўтказмоқда.***

# «ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИ» САБОҒИ

Яқинда Музайяна Алавия номли мактабда ўтказилган Республика Аёллар Ресурс Маркази ҳамкорлигидаги тадбир «XXI аср вабоси - наркомания, СПИД ва жиноятчиликка қарши кураш ёшлар тарбиясида долзарб муаммо» мавзусида бўлди. Унда мактабнинг юқори синф ўқувчиларига Ресурс Маркази мутахассислари, хусусан, шифокорлар маъруза қилишди.

- Бу тадбиримиз, - дейди университет раҳбари, маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Гулпошша Эргашева, - маҳалла ва ёшлар фаолиятини янада яқинлаштиришга ҳам хизмат қилади.

**Мухбиримиз.**

*Эътироф*

# ГАП ПУЛДА ЭМАС...

***Қибрай шаҳарчасида намунали маҳаллалар кўп.***

Фурқат маҳалласи ўтган йили «Энг обод маҳалла» республика кўригида ғолиб чиқиб, тилга тушган. Ғофур Ғулом номли маҳалла Қибрай туманида маҳаллалараро ўтказилган кўрикда совриндор бўлди. Янгиобод маҳалласи ёш футболчилари ва Фурқат маҳалласи ёш каратэчилари вилоят ва республика чемпионати ва бошқа нуфузли учрашувларида ғолибликни қўлга киритганлар. Ёш шахматчиларимиз ғалабалари ҳам мақтовга арзигулик. Маҳаллаларда мусобақалар ташкил этиш ва ғолибларни рағбатлантиришда ҳомий ташкилотлар (шу маҳалла ҳудудида жойлашган корхоналарнинг раҳбарлари) ўз ёрдамларини аямаяптилар. Маҳалламиз ҳудудида бир нечта хусусий дўконлар ва туман «Коопсавдо» ҳиссадорлик жамияти жойлашган. Унинг раҳбари Ҳаёт Ўктамов маҳалладаги айрим муаммоларимизни ҳал этишда ўз ёрдамларини аямаётир. У маҳалла ҳисоб рақамига анчагина маблағ ўтказди. Шунингдек, бу одамнинг кўмаги билан кам таъминланган оилаларнинг бир нечтасига совға-саломлар улашилди. Ушбу йилда «Mahalla», «Ўзбекистон овози» ва туман газеталари обунаси учун 25400 сўм ўтказишга бош қўшди. Гап фақат саховатли инсоннинг бизга қанча пул ўтказилгани ҳақида эмас. Маҳалламиз аҳлига бўлган эътибори ва ҳурмат-иззатидадир. Ахир катта иқтисодий даромад қилса-да, ўз маҳалласига беоқибат кишилар ҳам бор-ку. Қарияларни қадрлаш йилида эзгу иш қилиб кексалар кўнглини олаётган саховатпешалар ҳақида кўп нарса ёзсак арзийди.

**Толиб ТЎРАЕВ, Тошкент вилояти Қибрай тумани Фурқат маҳалласи оқсоқоли.**

*Таклифлар кўп...*

# МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ЙЎЛ БОР

***МАҲАЛЛА. Унда барчамиз яшаймиз. Ундан айро одам йўқ. Бу тизим ҳатто чет элликларни ҳам ҳайратга солмоқда. Бироқ бу бошқарув идорасининг салоҳият ва имкониятларини ҳали тўлиқ ишга сола билаётганимиз йўқ.***



Шундай бўлса ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларнинг келажакда жамиятимиз ҳаётида янада улкан аҳамият касб этишига менда катта ишонч пайдо бўлди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Контституциясининг 9 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида маҳалла тизими ҳақида кўп яхши гаплар айтди, унинг фойдаланилмаётган имкониятларини тилга олдилар.

Президентимизнинг мазкур нутқларидан келиб чиқадиган вазифалардан бири деб шуни билдимки, маҳалла фаолиятини янада жадаллаштириш учун малакали кадрлар керак экан. Маълумки, малакага бир жойда узоқ ишлаш ва ўқиш орқали эришилади. Агар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳар 2,5 йилда сайловлар ўтказилишини назарда тутсак, маҳаллага сайланган оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари бунгача маълум даражада шу соҳадаги билим ва кўникмаларга эга бўлган ҳолда келиши талаб этилади. Шунингдек, улар иш фаолиятлари давомида ҳам маълум малака ошириш курсларини тамомласалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу ўринда ҳар бир вилоятда республика «Маҳалла» жамғармаси қошида фаолият кўрсатаётган «Маҳалла зиёси» ўқув-услубий марказининг бўлимларини очиш ва уларни маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштириш айни муддаодир.

Маълумки, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига амал қилган ҳолда Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва унинг Низоми қабул қилинган.

Ушбу ҳужжатлар қабул қилинганидан сўнг маҳалла тизимида сезиларли даражада ижобий ўзгаришлар юз берди. Хусусан, унинг тизими жойларда қулоч ёйди. Айниқса, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгашининг фаолияти бутун мамлакатимиз бўйлаб ўз самарасини кўрсатиб келмоқда. Аммо, вақт шундай одил хулоса ясовчики, ҳар бир жараённинг бир маромда туришини хуш кўрмайди. Шу боисдан бу йўналишнинг вилоят, туман, шаҳарча миқёсидаги фаолиятига алоҳида эътибор зарур. Бунинг учун шу жойлардаги ҳокимият тизимидан тортиб, мамлакат миқёсидаги идораларгача бу тизимни қўллаб-қувватлашлари ҳаёт тақозосидир.

Хоразм вилоятида 15 дан ортиқ жамғармалар тузилган. Кўпчилигининг фаолият тури бир-бирига яқин, яъни жамиятимизнинг ижтимоий ночор қатламлари - ногиронлар, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар, етим-есирларга моддий ёрдам беришдан иборат. Манзилли ёрдам олувчиларнинг барчаси ҳам маҳаллаларда яшайдилар. Ҳар бир жамғарманинг раиси, ҳисобчиси, 2-3 та ходими бор. Топилган маблағлар биринчи навбатда ушбу ходимларнинг хизмат ҳақи — маошига ва идорани сақлаш харажатларига сарфланади. Шу билан тўплаган маблағларининг ҳам охири кўриниб қолади. Хулоса шундан иборатки, мақсадлари бир-бирига муштарак бўлган жамғармалар ўзаро ҳамкорликда фаолият қилиши мақсадга мувофиқ эмасмикан.

Президентимиз юқорида айтилган нутқларида жамоат ташкилотлари ҳақида гапира туриб, яна бир - дастуриламал бўладиган гап айтдиларки, уни айнан келтирмай иложимиз йўқ: **«...Гап асло бу ташкилотларга давлат томонидан маблағ ажратиш ҳақида бораётгани йўқ... Бу масалани ечишнинг бошқа йўли борки, у ҳам бўлса, бундай ташкилотларга қонуний нуқтаи назардан молиявий манбалар топиш имкониятини яратиб беришни назарда тутиш керак»**. Агар мана шу масаланинг моҳияти жойларда тўғри ҳал этилса, маҳаллалар оқсоқоллари ҳам, уларнинг бугунги кундаги шаҳар, (туман), вилоят мувофиқлаштирувчи ташкилотлари раҳбари сифатида ишлаётган «Маҳалла» жамғармалари раҳбарлари ҳам ўзларининг 50 фоиз вақтларини ташкилотлар эшигини қоқиб моддий ёрдам сўрашга сарфламасдан, фақатгина маҳаллаларнинг ривожи билан шуғулланган бўлардилар.

Президентимиз ўз нутқларида давлатнинг кўпгина вазифалари, шу жумладан назорат вазифалари ҳам жамоат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотларга берилиши лозимлиги ҳақида айтиб ўтдилар. Шунга бир мисол: ноқонуний қурилишлар, тасдиқланган архитектура фасадини бузган ҳолда эшигининг олдига ҳар хил гараж, тамбур ва бошқа объектлар қуришни тўхтатиш билан шаҳар, (туман) архитектура бўлими қошидаги архитектура назорати хизмати шуғулланади. Аммо, афсуски улар ушбу қурилиш битгандан кейин бунга аралашадилар. Қолаверса, ҳудудининг қаеридаги йўлни асфальт қилиш керак, қаерга кичкинагина кўприк қуриш керак, артезиан қудуқ қазиш, кўчани ёритиш керак ва ҳоказо ишларни маҳаллалар ўзлари амалга ошириши лозим. Бунинг учун шаҳар, (туман) ҳокимиятлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орасида ҳар кимнинг функцияларини белгилаб берувчи келишув-шартнома тузилиши зарур.

**Баҳодир БОБОЖОНОВ, Хоразм вилояти Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси.**

